



2020, №1
ISSN 2181-466X

Doktor Axborotnomasi





Учредитель:
САМАРКАНДСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ДОКТОР АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ВРАЧА
DOCTOR'S HERALD**

Журнал входит в перечень научных журналов
и изданий, рекомендованных ВАК при
Кабинете Министров Республики Узбекистан
при защите докторских диссертаций

UCH OYLIK

ILMIY-AMALIY JURNAL

1997 yilda t.f.d. J. A. Ahtamov
tomonidan tashkil etilgan

**ЕЖЕКВАРТАЛЬНЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

Основан в 1997 году
д.м.н. Дж. А. Ахтамовым

**QUARTERLY SCIENTIFIC
AND PRACTICAL JOURNAL**

Founded in 1997
by ph.d. J. A. Akhtamov

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100, г.Самарканд,
ул.Амира Темура, 18.
Тел.: +998 97 9291009

e-mail: vestnikvracha.vv@gmail.com

Дополнительная информация:
vestnikvracha.uz

Журнал зарегистрирован в
Самаркандском областном
управлении печати и информации
01 июля 2016 года
(регистрационный № 09-35).

Сдано в набор 23.03.2020.

Подписано в печать 30.03.2020.

Формат А 4. Гарнитура Times New Roman.

Объем 19,75 усл. п.л. Тираж 100 экз.

Отпечатано в типографии СамГосМИ.

Заказ № 20 (от 16.03.2020).

**№ 1 (93)
2020 yil**

<http://doi.org/10.38095/2181-466X-2020931>

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор:

Ж. А. Ризаев

Зам. главного редактора:

Б.Б. Негмаджанов

Ответственный секретарь:

В.О. Ким

А.А. Абдукадыров, Т.У. Арипова,
Ю.М. Ахмедов, Ш.Х. Зиядуллаев,
Ш.Б. Иргашев, З.Б. Курбаниязов,
Г.У. Лутфуллаев, Р.Ю. Рузибаев,
А.М. Хайдаров, Г.А. Хакимов,
Н.М. Шавази, А.М. Шамсиев,
Р.Х. Шарипов, К.Э. Шомуродов,
А.А. Юсупов

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

А.А. Абдусаломов, Л.М. Абдуллаева,
Л.Р. Агабабян, А.А. Ахмедов,
Ж.А. Атакулов, А.Т. Джурабекова,
З.С. Камалов, В.И. Лим,
С.Э. Мамараджабов, С.Н. Пардаев,
А.В. Полевщиков, Г.У. Самиева,
А.Т. Сафаров, Э.С. Тоиров,
Х.Т. Хамраев, Т.Р. Хегай,
А.Ш. Шодиев, Н.А. Ярмухамедова

СОДЕРЖАНИЕ

ЮБИЛЕИ

УСТОЗ ИНОЯТ ТАГИРОВИЧ САЛОМОВ 80
ЙИЛЛИГИНИ ХОТИРЛАБ

ОРИГИНАЛЬНЫЕ СТАТЬИ

- К. Р. Абдушукурова*
РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИДА
ОСТЕОПОРОЗ ДИАГНОСТИКАСИ
- Н. Р. Аралов, Н. Н. Махматмурадова,
П. А. Закирьяева*
ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ
НЕСПЕЦИФИЧЕСКОЙ
ИНТЕРСТИЦИАЛЬНОЙ ПНЕВМОНИИ
- М. Т. Бутабаев, Р. А. Минаваров,
И. М. Солиев*
ШИФОКОРНИНГ ТИББИЙ ИЖТИМОЙ
ХАРАКТЕРИСТИКАСИ,
УЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ
ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ
- С. А. Гаффоров, Ж. Н. Бакаев*
КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ
ЗАБОЛЕВАНИЙ ЖЕЛУДОЧНО-
КИШЕЧНОГО ТРАКТА В ПОЛОСТИ
РТА У ДЕТЕЙ БУХАРЫ
- Ш. Ю. Закиров, О. К. Садуллаев,
Б. С. Самандарова, З. С. Аллаберганова,
М. А. Каримова*
ИЗУЧЕНИЕ НОСИТЕЛЬСТВА
ПАТОГЕННОГО СТАФИЛОКОККА
(S.AUREUS) У МЕДИЦИНСКОГО
ПЕРСОНАЛА ХИРУРГИЧЕСКИХ
ОТДЕЛЕНИЙ ЛПУ, АКУШЕРСКИХ
СТАЦИОНАРОВ И ПОКАЗАТЕЛИ
ПРИОБРЕТЕННОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПО
ОТНОШЕНИЮ К РАЗНЫМ
АНТИМИКРОБНЫМ ПРЕПАРАТАМ
- С. Т. Имомов, Ш. Э. Исламов,
Р. А. Исмаилов, Б. Э. Шербек*
СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ АНАЛИЗ
СМЕРТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ
- Н. Н. Ишанкулова, Л. Х. Ташинова*
ВЕГЕТО-ҚОН ТОМИРЛАР ДИСТОНΙΑ
КАСАЛЛИГИНИ ЎСМИРЛАР
ОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛИШ СИФАТ
КЎРСАТКИЧИНИ ТЕКШИРИШ
- Х. О. Косимов*
ГИГИЕНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЛИЯНИЯ
ГЕРБИЦИДА КОТОФОРА НА КАЧЕСТВО
НЕКОТОРЫХ РАСТИТЕЛЬНЫХ
ПРОДУКТОВ

CONTENT

ANNIVERSARIES

TEACHER INOYAT TAGIROVICH SALOMOV
MEMORIES 80TH ANNIVERSARY

ORIGINAL ARTICLES

- 8 *K. R. Abdushukurova*
DIAGNOSIS OF OSTEOPOROSIS WITH
RHEUMATOID ARTHRITIS
- 11 *N. R. Aralov, N. N. Makhmatmuradova,
P. A. Zakiryayeva*
CURRENT FEATURES OF
NON-SPECIFIC INTERSTITIAL
PNEUMONIA
- 14 *M. T. Butabaev, R. A. Minavarov,
I. M. Soliev*
THE MEDICAL SOCIAL
CHARACTERISTIC OF THE DOCTOR,
THE PRESERVATION
AND REHABILITATION OF THEIR HEALTH
- 19 *S. A. Gafforov, J. N. Bakaev*
CLINICAL MANIFESTATIONS
OF GASTROINTESTINAL TRACT
DISEASES IN THE ORAL CAVITY
IN CHILDREN OF BUKHARA
- 23 *Sh. Yu. Zakirov, O. K. Sadullaev,
B. S. Samandarova, Z. S. Allaberganova,
M. A. Karimova*
STUDYING THE CARRIAGE OF
PATHOGENIC STAPHYLOCOCCUS
(S. AURES) IN THE MEDICAL STAFF OF
THE SURGICAL DEPARTMENTS
OF HOSPITALS, OBSTERTIC HOSPITALS
AND INDICATORS OF ACQUIRED
ADAPTABILITY IN RELATION
TO DIFFERENT ANTIMICROBIAL
DRUGS
- 27 *S. T. Imomov, Sh. E. Islamov,
R. A. Ismailov, B. E. Sherbekov*
FORENSIC MEDICAL ANALYSIS
OF POPULATION MORTALITY
- 30 *N. N. Ishankulova, L. Kh. Tashinova*
ASSESSMENT OF QUALITY
OF MANAGEMENT OF
VEGETO-VASCULAR DYSTONIA
AMONG ADOLESCENTS
- 34 *H. O. Kosimov*
HYGIENIC ASPECTS OF
THE KOTOFOR HERBICIDE INFLUENCE
ON THE QUALITY OF SOME PLANT
PRODUCTS
- 2

**ВЕГЕТО–ҚОН ТОМИРЛАР ДИСТОНИЯ КАСАЛЛИГИНИ ЎСМИРЛАР
ОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛИШ СИФАТ КЎРСАТКИЧИНИ ТЕКШИРИШ****Н. Н. Ишанкулова, Л. Х. Ташинова**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: вегето-қон томир дистонияси, ўсмирлар, даволаш сифати.**Ключевые слова:** вегето-сосудистая дистония, подростки, качество лечения.**Key words:** vegeto-vascular dystonia, adolescents, quality of treatment.

Мақола Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиника шароитида ўсмирлар орасида вегето-қон томирлар дистониясини аниқлаш ва даволаш сифат кўрсаткичини текширишга бағишланган. Бизлар 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни мазкур касалликни аниқлаш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказдик. Уларнинг сонини 138 нафарни (34,5%) ташкил этди. Булардан ўғил болалар 40-та (29%) ва қиз болалар 98-тани (71%) ташкил топди. 138 нафар болаларни тиббий кўриқдан ўтказганимизда 21-тасида (15,2%) вегето-қон томирлар дистониясига хос бўлган белгилар аниқланди. ВСД касаллиги аниқланган бемор болаларни артериал қон босими кўрсаткичларига қараб бизлар икки гуруҳга бўлдик: гипертониклар ва гипотониклар. ВСД касаллиги топилган бемор болаларга дистониянинг турига қараб даволаш муолажалари олиб борилди. ВСД нинг гипертоник тури билан касалланган беморларга артериал қон босимини туширадиган дори-дармонлар тавсия этилди (бета-адреноблокаторлар). Касалликнинг гипотоник тури билан касалланган беморларга эса физиотерапевтик муолажалар (УФО), массаж ва ўсимликлардан тайёрланган дориворлар тавсия этилди.

ОЦЕНКА КАЧЕСТВА ВЕДЕНИЯ ВЕГЕТО-СОСУДИСТОЙ ДИСТОНИИ СРЕДИ ПОДРОСТКОВ**Н. Н. Ишанкулова, Л. Х. Ташинова**

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан

Статья посвящена оценке и повышению качества лечения вегето-сосудистой дистонии (ВСД) среди подростков центральной многопрофильной поликлиники Самарқандского района. С целью диагностики данной патологии из общего количества населения поликлиники были отобраны подростки и проведено медицинское обследование детей с возрасте от 10 до 14 лет. Количество их составило 138 человек (34,5%). Из них мальчиков было 40 (29%) и девочек было 98 (71%) человек. При проведении обследования 138 детей у 21 (15,2%) были выявлены клинические симптомы вегето-сосудистой дистонии (ВСД). Данных больных по показателям артериального давления мы разделили на 2 группы: гипертоники и гипотоники. Согласно обнаруженным типам ВСД было проведено соответствующее лечение. При гипертоническом варианте ВСД были назначены антигипертензивные препараты (бета-адреноблокаторы). При гипотоническом варианте заболевания больным было рекомендовано физиотерапевтические процедуры (УФО), массаж и фитотерапия.

**ASSESSMENT OF QUALITY OF MANAGEMENT OF VEGETO-VASCULAR DYSTONIA
AMONG ADOLESCENTS****N. N. Ishankulova, L. Kh. Tashinova**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

The article is devoted to the assessment and improvement of treatment quality of vegeto-vascular dystonia (VVD) among adolescents of central multidisciplinary polyclinic of Samarkand region. With the aim of diagnostic of such pathology from the general population of the polyclinic it has been detected adolescents and medical examination of children at the age from 10 to 14 years of age. The amount of them was 138 people (34,5%). From them boys were 40 (29%) and girls were 98 (71%). During performing of examination of 138 children in 21 (15,2%) it has been determined clinical symptoms of vegeto-vascular dystonia (VVD). These patients due to the indexes of arterial pressure we divided them into 2 groups: patients with high blood pressure and patients with low blood pressure. The appropriate treatment has been carried out according to the determined types of VVD. In the hypertonic type of VVD antihypertensive medications (beta-blockers) have been prescribed. Procedures of physiotherapy (UVR), massage and phytotherapy have been recommended for the patients of the hypotonic type of the disease.


Кириш. Дистония – қон томирлари таранглиги доимийлигининг ўзгариши натижасида артериал қон босимининг кўтарилиши (гипертония) ёки пасайиши (гипотония) билан таърифланувчи ҳолат бўлиб, марказий асаб тизими томонидан томирлар таранглигининг бошқарилиши бузилиши натижасида келиб чиқади. Ўзбекистон аҳолиси орасида бу касалликнинг тарқалиши 15%-га яқин бўлиб, улар орасида гипертоник турдаги дистониялар кўпроқ тарқалган. Дистониялар барча ёшдаги одамларда кузатилиши мумкин, лекин улар

аксарият балоғатга етиш ёшида ҳамда ўсмирлар орасида кўпроқ кузатилади. Дистониялар аксарият ҳолларда марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан кечади. Қон томирлар дистонияси билан хасталанган одамларнинг 30%-га яқинида кейинчалик гипер- ёки гипотоник касаллик ривожланади. Мазкур муаммони долзарблигини ҳисобга олган ҳолда бизлар Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиникада (КТМП) тадқиқот ишларини олиб бордик. Тадқиқот ўтказишдан асосий мақсад вегето-қон томирлар дистонияси билан касалланган беморларни аниқлаш ва уларга амалга оширилаётган даволаш сифат кўрсаткичини текшириш эди.

Ўтказилган тадқиқотнинг асосий мақсади. Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиника шароитида ўсмирлар орасида вегето-қон томирлар касаллигини аниқлаш ва даволаш сифат кўрсаткичини текшириш.

Материаллар ва текшириш усуллари. Юқорида қайд этилганидек мазкур тадқиқот Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиникада 2019 йил январ ойидан то 2019 йил июн ойигача олиб борилди. КТМП-га қарашли умумий аҳолининг сони 35450 нафарини ташкил қилди. Булардан тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадида 14 ёшгача бўлган болалар имкон қадар ажратиб олинди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг умумий сони 400-тани (26,6%) ташкил топди.

Маълумки вегето-қон томирлар дистонияси касаллиги кўпинча балоғатга етган болалар яъни ўсмирлар орасида кўп учрайди. Шунинг учун бизлар 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни мазкур касалликни аниқлаш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказдик. 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг сони 138 нафарини (34,5%) ташкил этди. Булардан ўғил болалар 40-та (29%) ва қиз болалар 98-тани (71%) ташкил топди (диаграмма № 1).



1 диаграмма. Тадқиқот учун олинган 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг сони


Кейинги босқичда бизлар 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг умумий сонини ёшма-ёш ва жинсига қараб тақсимладик. Бу тақсимот қуйидаги жадвалда ва диаграммада келтирилган (1 жадвал, 1 диаграмма).

1 жадвал.

Тадқиқот учун олинган болаларни ёшига ва жинсига қараб тақсимот.

№	Болаларнинг ёши	Болаларнинг сони	
		Ўғил болалар	Қиз болалар
1.	10 ёшдан 12 ёшгача	14	40
2.	12 ёшдан 14 ёшгача	26	58
	ЖАМИ	40	98

ВСД касаллиги клиник ва параклиник маълумотларга асосланган ҳолда қўйилди. Болаларнинг ҳаммасида артериал қон босими ўлчанди ва артериал қон босими кўрсаткичларига қараб болалар икки гуруҳга бўлинди: гипертониклар ва гипотониклар. Текшириш жараёнида офтальмоскопия ҳам қўлланилди (кўз тубини текшириш учун).




2 диаграмма. Тадқиқот учун олинган болаларнинг ёшига ва жинсига қараб тақсимооти.

Тадқиқотнинг натижалари муҳокамаси. Тадқиқот ўтказиш жараёнида бизлар қуйидаги натижаларга эга бўлдик. 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 138 нафар болаларни тиббий кўриқдан ўтказганимизда 21-тасида (15,2%) вегето-қон томирлар дистониясига хос бўлган клиник ва параклиник белгилар аниқланди. ВСД касаллиги аниқланган бемор болаларни артериал қон босими кўрсаткичларига қараб бизлар икки гуруҳга бўлдик: гипертониклар ва гипотониклар.

ВСД касаллиги аниқланган болалардан 16-тасида касалликнинг гипертоник турига хос бўлган клиник белгилар аниқланди. Уларда тез чарчаш, бош оғриғи, артериал қон босимининг 150-160/85-100 мм. сим устунигача кўтарилиши, тахикардия, юрак соҳасида оғриқ, перкуссияда юрак чегараларининг чапга кенгайиши каби клиник белгилар кузатилди. Офтальмоскопия текшириши ўтказиш жараёнида кўз тубида артерияларнинг қисқариши, вена қон томирларининг эса кенгайиши кузатилди.

Тиббий кўриқдан ўтказилган болаларнинг 5 нафарида ВСД касаллигининг гипотоник турига хос бўлган клиник белгилар кузатилди. Яъни иш қобилиятининг пасайиши, терининг оқариб туриши, қўл-оёқларнинг совуши ва баъзи беморларда хушдан кетиш ҳолатлари кўзга ташланди. Бемор болаларни объектив текширган пайтимизда уларда қон босимининг пасайиши кузатилди (90-100/60-75 мм. сим. устунигача). Офтальмоскопик текширишда кўз туби томирларининг кенгайиши аниқланди (3 диаграмма).

ВСД касаллиги топилган бемор болаларга дистониянинг турига қараб даволаш муолажалари олиб борилди. ВСД нинг гипертоник тури билан касалланган беморларга артериал қон босимини туширайдиган дори-дармонлар тавсия этилди (бета-адреноблокаторлар). ВСД нинг гипотоник тури билан касалланган беморларга эса физиотерапевтик муолажалар (УФО), массаж ва ўсимликлардан тайёрланган дориворлар тавсия этилди.



3 диаграмма. ВСД касаллиги аниқланган беморларнинг сони.

ВСД касаллигини олдини олиш маъсадида бизлар Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиникага қарашли 3-та маҳаллаларга ташриф буюриб у ерда дистония касаллигини олдини олиш мавзусига оид маърузаларни ўқидик ва индивидуал равишда суҳбатлар ўтказдик.

Шундай қилиб, тадқиқот ишларимиз шуни кўрсатдики Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиникада вегето-қон томирлар дистонияси касаллиги кенг тарқалган экан, уни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ишларини олиб бориш лозим. Шунингдек қуйидаги келтирилган тавсияларни поликлиника маъмурияти ва тиббий ходимларга бердик: ВСД касаллиги болалар ва ўсмирлар орасида тез-тез учраб турадиган касаллик, шунинг учун бу касалликни ўз вақтида аниқлаш учун диагностик ишларни олиб бориш керак. ВСД касаллиги аниқланган беморларга эффе́ктив равишда даволаш муолажалари олиб бориш лозим. Мазкур касалликни олдини олиш борасида аҳоли билан маданий-оқартув ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулосалар

Самарқанд туман кўп тармоқли марказий поликлиникага қарашли аҳолининг умумий сони 1500-тани ташкил қилди, булардан 14 ёшгача бўлган болаларнинг сони 400 нафарини (26,6%) ўз ичига олди.

Тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадида 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар танлаб олинди, уларнинг умумий сони 138-тани (34,5%) ташкил этди. Булардан ўғил болалар 40-та (29%) ва қиз болалар 98-тани (71%) ташкил топди.

Тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида 138 нафар боладан 21-тасида (15,2%) вегето-қон томирлар дистониясига хос бўлган клиник ва параклиник белгилар топилди (гипертоник тури 16-та болада, гипотоник тури 5-та болада).

ВСД касаллиги топилган бемор болаларга касалликни турига қараб КТМП шароитида даволаш муолажалари ўтказилди.

ВСД касаллигини олдини олиш борасида ҳам аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишлари олиб борилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белоконь Н.А., Кубергер М.Б. Болезни сердца и сосудов у детей (руководство для врачей). Том 1. Москва. 2007. С. 430-437.
2. Р. Беркоу., Э.Д. Флетчер. Руководство по медицине (диагностика и терапия). Москва «Мир». 2017. С. 243-406.
3. Вудли М., Уэлан А. Терапевтический справочник Вашингтонского университета. Москва. 2015. С. 99-118.
4. Матвейков Г.П., Сорока Н.Ф. Клиническая диагностика (справочное пособие для семейного врача). Минск. 2009. С. 178-181.
5. М. Фрид., С. Грайнс. Кардиология в таблицах и схемах. Москва. 2006. С. 17-48.
6. Чучалин А.Г. Терапия. ГЭОТАР МЕДИЦИНА, Москва. 2008. С. 7-65.
7. Эшқобилов Ж.Э., Лапасов Х.Н., Салимов Р.С., Темирова Н.Ф. Болалар касалликлари (ўқув қўлланма). I қисм. Тошкент. 2000. С. 141-147.
8. Friedman Н.Н. Problem-Oriented Medical Diagnosis. Little Brown and Company. 2006. p. 39-63.
9. Houston M.C., Meador B.P., Schipani L.M. Handbook of Antihypertensiv Therapy. Philadelphia. 2009. p. 1-8
10. K.V. Roberts. Manual of clinical problems in pediatrics. Little Brown and Company. 2005. p. 221-247.